

САВДО ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШДАГИ МУАММОЛАР

Х.У. Пўлатов СамИСИ катта ўқитувчи

Аннотация: Савдо фаолиятини солиққа тортишдаги муаммолар ва ечимларига бағишланган мақолани эътиборларингизга ҳавола этамиз

Калитли сўзлар: фойда солиғи, чакана савдо рақамли савдо, ташқи савдо, курьерлик хизматлари, ички савдо, савдода чегирма

Аннотация: Предлагаем вашему вниманию статью о проблемах и решениях в налогообложении торговой деятельности

Ключевые слова: налог на прибыль, розничные электронные продажи, внешняя торговля, курьерские услуги, внутренняя торговля, торговые скидки.

Abstract: We bring to your attention an article on the problems and solutions in the taxation of trade activities

Keywords: profit tax, retail digital sales, foreign trade, courier services, domestic trade, trade disco

Ҳар қандай давлат учун бюджет манфаатлари нуқтаи назаридан жаҳонда ва мамлакат ичида кечаётган иқтисодий жараёнларни инобатга олган ҳолда ўз солиқ сиёсатини олиб бориш, солиқ тизимини мазкур ўзгаришлар ва янгиликларга мослаштириб бориш тақозо этилади.

Солиққа тортишнинг фундаментал асослари таҳлили шуни кўрсатадики, солиқ солишда давлат солиқ тўловчиларнинг барча тоифаларига нисбатан бетараф ва солиқ юкини белгилашда адолатли бўлмоғи лозим. Солиққа тортишдаги бетарафлик ва адолатни таъминлаш, биринчи навбатда, тадбиркорлик субъектларига турли солиқ режимларини инкор этади. Бироқ, замонавий давлатчиликда солиқ маъмурчилиги самарадорлигини ошириш, КЎБСнинг яширин иқтисодиётга мойиллиги ва ўтиб кетиш имкониятларини чеклаш мақсадида давлат солиқ тўловчиларнинг маълум бир тоифаларига солиқларнинг айрим элементларини ўзгача белгилаш (одатда

соддалаштириш) йўлидан боради. Бу борада Ўзбекистон қарийб 20 йил давомида кичик бизнес субъектларига соддалаштирилган солиқ режимларини қўллаш орқали уларга қулай солиқ муҳитини яратиш йўлидан юриб кўрди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида кенг камровли таркибий ва институционал ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Ишлаб чиқариш корхоналари ва туристик-меҳмонхона мажмуаларининг умумий овқатланишни ташкил қилиш бўлинмаси ўзи ишлаб чиққан маҳсулотларни (овқатларни) нақд пул ва қанд пулсиз ҳисоб-китоблар асосида ўзга юридик шахс ва юридик шахс бўлмаган мижозларга (шу жумладан ўзининг ходимларига ҳам) сотиши мумкин. Мазмунига кўра корхоналарнинг умумий овқатланишни ташкил этиш бўлинмасининг ушбу фаолиятини «савдо фаолияти» деб тан олинishi, шунингдек мос равишда ялпи даромад солиғига тортилиши лозим. Чунки, ушбу ҳолда ўзга мижозлар умумий овқатланиш бўлинмаси орқали тайёрланган овқатни (товарни) сотиб оладилар.

Юқорида таъкиданганидек, корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш мақсадларида сотиб олинган хом ашё ва материалларни, асосий воситаларни, номоддий активларни, шунингдек тугалланмаган капитал инвестиция ва молиявий инвестицияларни сотилиши ва ундан олинган натижаларни қайси фаолиятга киритиш масаласи ҳам амалиётда турли мунозараларга олиб келмоқда.

Бу муаммони вужудга келишига турлича сабаблар мавжуд. Бир томондан, ўз ишлаб чиқаришини ташкил қилиш мақсадида сотиб олинган хом ашё ва материаллар, асосий воситалар, номоддий активлар, тугалланмаган капитал инвестициялар ва молиявий инвестицияларни ўзгаларга сотилиши мазмуни жиҳатдан савдо фаолияти мазмунига ўхшаб кетади. Иккинчи томондан, ушбу турдаги моддий бойликлар, одатда, сотиш учун сотиб олинмайди, уларни сотиб юборилиши турли объектив ва субъектив сабабларга кўра юз беради. Шунинг учун, бизнингча, ушбу активлар сотилишини корхоналарнинг у ёки бу фаолиятига киритиш бўйича

конун хужжатларида куйидаги иккита ҳолатни аниқ ифодалаш мақсадга мувофиқ бўлган бўлар эди.

Фикримизча, юқорида келтирилган фикрларни Солиқ кодексининг янги таҳририда инобатга олиш корхоналар томонидан олиб борилаётган савдо фаолиятининг таркибини реал аниқлашга ва уларни солиққа тортишдаги мунозарали масалаларга нуқта қўйишга имкон берган бўлар эди.

Тадқиқот натижаларига кўра куйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди: - миллий солиқ тизимларида савдони солиққа тортишда кўзда тутилган солиқ имтиёзлари ва солиқ маъмурчилигини ташкил этиш жараёнидаги энгилликлар мамлакат иқтисодиётида электрон тижоратни ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда; - ҳозирги кунда электрон тижоратни солиққа тортиш масаласи барча давлатлар солиқ органлари учун долзарб муаммолардан биридир.

Электрон тижоратни солиққа тортиш муаммолари барча давлатларда кўп жиҳатдан ўхшашдир. Барча учун асосий муаммо солиқлар ким томонидан ва қайси бюджетга тўланиши ноаниқлигидадир. Электрон тижоратнинг хусусиятлари ва солиқларни ундиришнинг

Адабиётлар рўйхати

1 Абдибаева, Т. Х., Дусмуратов, Р. Д., Ризаев, Н. К., Жумаев, Н. Х., Рахмонов, Д. А., Жумаева, А. Н., ... & Юсупов, С. Ш. Nazarov AA, Abdullaev BI, Abjalov AM.

2 Эгамбердиев, Э., & Хўжақулов, Х. (2003). Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Т.: "Маънавият."

3 Sabirov, M. (2018). NECESSITY OF USING SOCIAL PREFERENCE ON INCOME TAX. *International Finance and Accounting*, 2018(5), 15.